

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc/PhD.04/30.06.2020.Tib.I 16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**ЖАФАРОВ ХАСАН МИРЗАХИДОВИЧ**

**ФОТОДИНАМИК ТЕРАПИЯ ЁРДАМИДА ҚОРИН  
БЎШЛИҒИ ҚИСИЛГАН ЧУРРАЛАРИ ЙИРИНГЛИ  
АСОРАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.27 - Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Жафаров Хасан Мирзахидович**

Фотодинамик терапия ёрдамида корин бўшлиғи  
кисилган чурралари йирингли асоратларини олдини олиш..... 3

**Жафаров Хасан Мирзахидович**

Профилактика раневых осложнений при ущемленных  
грыжах живота с использованием фотодинамической терапии..... 27

**Jafarov Khasan Mirzakhidovich**

Prevention of wound complications in strangulated abdominal  
hernias with using of photodynamic therapy..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc/PhD.04/30.06.2020.Tib.I 16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖАФАРОВ ХАСАН МИРЗАХИДОВИЧ

ФОТОДИНАМИК ТЕРАПИЯ ЁРДАМИДА ҚОРИН  
БЎШЛИҒИ ҚИСИЛГАН ЧУРРАЛАРИ ЙИРИНГЛИ  
АСОРАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

14.00.27 - Хирургия

ТИББИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1576** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Турсуметов Абдусаттар Абдумаликович  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** Охунов Алишер Оринович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
Ирисов Ортиқали Туласевич  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Бухоро тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Қорақалпоғистон тиббиёт институти хузуридаги DSc/PhD.04/30.06.2020.Tib.1 16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» август кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, А.Досназаров кўчаси, 106 уй. Тел./факс: (+99861) 222-84-32/ 222-84-36, [www.kkmeduniver.uz](http://www.kkmeduniver.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоғистон тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (235 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230105, Нукус шаҳри, А.Досназаров кўчаси, 106 уй. Тел./факс: (+99861) 222-84-32/ 222-84-36

Диссертация автореферати 2021 йил «9» август кuni тарқатилди.  
(2021 йил 9 август даги 10 рақамли реестр баённомаси).



*Аталия*

Аталиязова О.А.

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жиенмуратова Г.К.

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

Қурбоназаров М.К.

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қондаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қисилган қорин девори чурралари билан хасталанган беморларни даволаш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. «...ҳар йили 20 миллиондан ортиқ хирургик операциялар амалга оширилиб, шундан 10-15% ни чурралар ташкил этади. Ушбу патологиянинг ҳал қилинмаган муаммоси - бу рецидив даражаси бўлиб, қайсики мураккаб чурраларда 20-30% га етади...»<sup>1</sup>. Чурра қисилиши шошилич операцияни талаб қилиб, қорин девори чурраси энг тез-тез ва хавфли асоратлардан бири ҳисобланади. Касалхонанинг жарроҳлик бўлимига шошилич тарзда тушадиган беморлар орасида ўткир панкреатит, ўткир аппендицит ва ўткир холециститдан кейин тўртинчи ўринни қисилган чурралар эгаллайди. Қисилиш ҳолати ташқи қорин чурралари мавжуд беморларнинг 8-20% ривожланади. Агар «чурра ташувчилар» аҳолининг тахминан 2% ни ташкил этишини ҳисобга олсак, бу патологияга чалинган беморларнинг умумий сони шошилич жарроҳлик амалиётида жуда катта сонини ташкил этади. Шунини инобатга олиб, қорин бўшлиғи қисилган чурралари хасталанган беморларнинг даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган ташхислаш ва даволаш тартибинини ишлаб чиқиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда фотодинамик терапия ёрдамида қорин бўшлиғи қисилган чурралари йирингли асоратларини олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қисилиш муддатини ҳисобга олган ҳолда, қорин чурралари қисилганда чурра сувининг микробиологик манзарасини, анъанавий антисептикларни (фурацилин, диоксидин) «in vitro» чурралар сувлари микрофлорасига қарши бактерицид хусусиятларини қиёслаш, LED «in vitro» таъсирланиш вақтини ҳисобга олган ҳолда метилен кўкнинг турли концентрацияли чурра суви микрофлорасига бактерицидли фотодинамик таъсир кўрсатиш имкониятларини, ҳамда қисилган қорин чурраларида метилен кўкнинг фотодинамик антибактериал таъсирдан фойдаланган ҳолда маҳаллий яра асоратларини интраоперацион профилактикасининг янги усулини ишлаб чиқиш ва асоратларни олдини олишга қаратилган даволаш тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматини такомиллаштириш, жумладан, турли чурраларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилич тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг

<sup>1</sup>Славин Л.Е., Федоров И.В., Сигал Е.И. Осложнения хирургии грыж живота — М.: Профиль, 2005. - 175 с.

олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда қорин бўшлиғи қисилган чурралари йирингли асоратларини фотодинамик терапия ёрдамида даволаш ва фотодинамик антибактериал таъсиридан фойдаланган ҳолда маҳаллий яра асоратларини интраоператив профилактикасининг янги усулини ишлаб чиқиш бугунги кунда хурургиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш-тиббий ёрдам фаолияти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қорин олд деворининг қисилган чурраларини даволаш муаммоси шошилиш операцияда ушбу асоратнинг даражаси, жиддийлиги ва хавфи туфайли долзарбдир. Қисилган чурралар қорин олд девори чурраси билан оғриган беморларнинг 8-20 фоизини ва қорин органларининг ўткир жарроҳлик касалликлари билан касалланганларнинг умумий сонининг 4,2 % ни ташкил қилади (Власов В.В., 2018). Адабиёт маълумотларига кўра, шунингдек, ўз тажрибамиз асосида қисилганларнинг асосий қисми чов (58%), киндик (24%) ва операциядан кейинги чурраларга (12%) тўғри келади, қолган 6% сон, бел ва Спигел чизик чурраларига тўғри келади (Жебровский В.В., 2010). Шу билан бирга, ушбу патология меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларда ҳамда 60-80 ёшдаги гуруҳ беморларнинг 57,5-69% да учрайди (Muqeesm K, Kasa S, Patil N, Harsoori MM., 2018). Бу даволаш усулини нафақат чурра ҳосил бўлишининг қайталанишини олдини олишга, балки одамни ижтимоий соҳадаги аввалги фаолиятига қайтаришни ҳам талаб қилади. Шунга қарамай, касаллик қайталаниш кўрсаткичлари йилдан йилга юқориликча сакланиб қолинмоқда. Афсуски, беморларнинг катта қисми касаллик бошланганидан кейин жарроҳлик бўлимига кеч ётқизилади, тиббий ёрдамга ўз вақтида мурожаат қилмаслик эса операциядан кейинги ўлимни кўпайишига олиб келиб, 2,1-

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

14% ни ташкил этди (Полевой О.П., 2016; Lebeau R., 2016; Menezes R.G., 2016; Chung P.J., 2017). Шундай қилиб, шошилиш чурра жарроҳлигида жавоблардан кўра кўпроқ саволлар мавжуд ва юқорида айтилганларнинг ҳаммаси фақат чурра учун жарроҳлик даволаш усулини танлаш муаммосининг долзарблигини таъкидлайди. Бугунги кунда замонавий герниологиянинг стандарти чов, киндик чурралари учун полипропилен имплант ёрдамида чуррани тиклашнинг кучланишсиз усулларида фойдаланиш хисобланади, жумладан қорин олд деворининг қисилган операциядан кейинги вентрал чурраларида (Егнев В.Н., 2002; Захарова М.Д., 2007; Паршиков В.В. ва б., 2009; Полевой О.П. ва б., 2016). Маълумки, ҳар йили АҚШда чурралар билан касалланганларни даволаш қиймати 3,2-6,0 миллиард доллардан ошади (Parker S.G. et. al., 2018), Европа Иттифоқи мамлакатларида эса тахминан 18 миллион евро ни ташкил этади ва турли хил имплантларнинг нархи жуда фарқ қилиб, қайсики операциянинг ўз нархидан сезиларли даражада ошиб кетиши мумкин. Бундан ташқари, чуррани тиклашда операциядан кейинги яллиғланиш асоратлари бўлган беморларни даволаш қиймати 100 минг долларга етиши мумкин. Полипропилен имплантларлар ёрдамида герниопластиканинг кучланишсиз усуллари жорий этиш, қорин олд деворининг операциядан кейинги вентрал чурралар қисилишини бартараф этилиши умумий асоратлар ва ўлимни сезиларли даражада камайтиришга имкон яратган (Chung P.J. et. Al., 2017).

Ўзбекистонда бирламчи ва операциядан кейинги вентрал чурраларнинг хирургик амалиёти бажаришда (Калиш Ю.И. ва б., 2012; Охунов А.О., 2016, 2017; Каримов Ш.И. ва б., 2017; Хакимов М.Ш. ва б., 2017) қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган, бироқ, антибактериал фотодинамик терапия ёрдамида операциядан кейинги даврда йирингли асоратларнинг олдини олиш қўлланилмаган.

Замонавий жарроҳлик фанининг ютуқларига қарамай, қорин олд деворининг қисилган чурраси бўлган беморларни даволаш натижалари қониқарсиз бўлиб қолмоқда, бу биринчи навбатда операциядан кейинги маҳаллий жароҳатларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Ҳозирда қисилган қорин чурралар операциясидан кейинги яра асоратларини олдини олишда бир қанча усуллар таклиф қилинган, лекин уларни такомиллаштириш ва илмий асослаш тақозо этади. Фотодинамик терапия ёрдамида антибактериал хусусиятларга эга бўлган метилен кўкининг самарадорлигини ўрганиш илмий ва амалий қизиқиш уйғотади. Бинобарин, ҳозирда операциядан кейинги яра асоратларини олдини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш, шу жумладан фотодинамик терапия ёрдамида долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, шифр: 03.191, № 01980006703 «Қорин бўшлиғи органларининг жарроҳлик асоратларини олдини олиш, даволаш ва

ташхис кўйишни яхшилаш усуллари излаш» Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2005-2019 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** қорин қисилган чурраси билан оғриган беморларни жароҳатнинг ярали асоратларини олдини олиш учун метилен кўки билан интраоперацион фотодинамик терапия ёрдамида жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қисилиш муддатини ҳисобга олган ҳолда қорин чурралари қисилиб қолганда, чурра сувининг микробиологик манзарасини баҳолаш;

анъанавий антисептиклар фурацилин, диоксидин *in vitro* шароитида чурра сувлари микрофлорасига қарши бактерицид хусусиятларини қиссий жиҳатдан баҳолаш;

«*in vitro*» шароитида LED нурланиш вақтини ҳисобга олган ҳолда метилен кўкининг турли концентрацияларини чурра суви микрофлорасига бактерицидли фотодинамик таъсир кўрсатиш имкониятларини кўрсатиш ва анъанавий антисептиклар билан таққослаш;

қисилган қорин чурраларида метилен кўкининг фотодинамик антибактериал таъсиридан фойдаланган ҳолда маҳаллий яра асоратларини интраоператив профилактикасининг янги усулини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институти катталар шифохонаси, Тошкент шаҳар 7-сон шифохоналарнинг жарроҳлик бўлимлари ҳамда «Happy Life» ва «Vitamed Medical» шифохоналарида 2010-2020 йиллар давомида стационар шароитда қисилган қорин чурралари билан даволанган 225 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** қисилган чурралардаги чурра сувининг микробиологик манзараси, текширув натижаларини таҳлил қилиш ва қисилган қорин чурраси бўлган беморларни жарроҳлик даволаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқотда клиник, микробиологик, физик, биокимёвий, фармакологик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фурацилиннинг (1:5000) суут бактериостатиклиги, диоксидин (1%) кучли бактерицидлиги, метилен кўкининг 0,05% концентрацияси билан LED нурланиш фотодинамик таъсир натижасида яққол бактерицидлиги аниқланган;

метилен кўкининг токсик ва аллерген эмаслиги билан диоксидиндан устунлиги, шошилич операция шароитида қисилган чурраларда чурра суюқлиги таркибидаги *S.aureus*, *S.epidermidis* ва *E.coli* бактерияларини бартараф этишда сезгирликни текшириш талаб қилинмаслиги исботланган;

метилен кўкининг 0,05% эритмаси билан 640±20 нм диапазонида белгиланган параметрлар билан LED нурланиш туфайли операцион



жароҳатни фотодинамик ишлов бериш билан яра асоратларини маҳаллий профилактикаси янги усули ишлаб чиқилган;

қорин қисилган чурраларида метилен кўки билан фотодинамик ишловдан олдин ва кейин операция жароҳати микроб билан ифлосланиш ҳамда ярали асоратларни олдини олиш учун ишлаб чиқилган интраоперацион усуlining самарадорлиги исботланган;

ишлаб чиқилган усул қисилган чурраларда яра асоратларини маҳаллий профилактикасида операция жароҳатидаги инфекцияси ва яллиғланиш реакциясининг камайганлиги, яра асоратларини камайиши, беморнинг шифохонада ўртача бўлишининг муддатини  $10,0 \pm 0,67$  дан  $7,3 \pm 0,77$  гача қисқартириш орқали сарф харажатларни камайитиришга асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

метилен кўки билан фотодинамик терапия ёрдамида қисилган қорин чурралари яра асоратларини олдини олиш учун тавсия этилган усул операциядан кейинги яра асоратларини камайитириш сабабли узоқ муддатли натижалари очиб берилган;

630–640 нм диапазонидаги LED нурланиш фонида метилен кўкиннинг бактерицид хусусиятларини ўрганишга асосланган фотодинамик терапиянинг юқори самарадорлиги даволаш натижалари асосида баҳоланган;

операция қилинган ярага ишлов бериш учун ишлаб чиқилган фотодинамик терапия усули арзонлиги, қиммат ускуналар ва махсус тайёргарликни талаб қилмаслиги олинган натижалар асосида асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, микробиологик, физикавий, биокимёвий, фармакологик, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, фотодинамик терапия ёрдамида қорин бўшлиғи қисилган чурралари йирингли асоратларининг олдини олиш билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан далолат берадики, қорин чурраси қисилиб қолган беморларни операция жароҳатини фотодинамик ишлов ёрдамида жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашнинг янги усули ишлаб чиқилган. Метилен кўки эритмасининг оптимал концентрацияси, LED нурланишининг параметрлари ва таъсир қилиш вақти аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган операциядан кейинги яра асоратларини олдини олиш усуlining жарроҳлик даволаш бевосита натижалари ишончлилигини ошириш, патология билан хасталанган беморларни стационар даволаш харажатларини камайитириш имконини яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Фотодинамик терапия ёрдамида қорин бўшлиғи қисилган чурралари йирингли асоратларини олдини олишни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

корин бўшлиги қисилган чурралари йирингли асоратларини олдини олиш ва самарали даволаш натижалар асосида ишлаб чиқилган «Фотодинамик терапия ёрдамида қисилган корин бўшлиги чурралари операциядан кейинги яралари йирингли-яллигланиш асоратлари олдини олиш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 мартдаги 8 н-р/225-сон маълумотномаси). Натижада корин бўшлиги қисилган чурралари йирингли асоратларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш орқали касалликни даволаш тактикасини танлаш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

корин бўшлиги қисилган чурралари йирингли асоратларини олдини олиш ва самарали даволаш натижалар асосида ишлаб чиқилган «Жарроҳлик шифохоналарида метилен кўкининг антибактериал фаоллигини оширишнинг инновацион усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 июндаги 8 н-р/531-сон маълумотномаси). Натижада корин бўшлиги қисилган чурралари йирингли асоратларини олдини олишда метилен кўкининг антибактериал фаоллигини оширишнинг инновацион усули татбиқ қилиш орқали касалликни даволаш тактикасини танлаш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

фотодинамик терапия ёрдамида корин бўшлиги қисилган чурралари йирингли асоратларини олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти катталар шифохонаси, Тошкент шаҳар 7-сон шифохоналарнинг жарроҳлик бўлимлари ҳамда «Happy Life» ва «Vitamed Medical» шифохоналарининг хирургия бўлимлари амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 апрелдаги 8 н-р/145-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши қисилган чурралар билан беморларни операцион майдони инфекция шароитида хирургик даволашни янги усулдан фойдаланишдаги тадқиқот натижаларини жорий этиш натижасида, қисилган чурралари билан беморларни хирургик даволашда бевосита натижаларини яхшилаш имконини берган, операциядан кейинги яра асоратларни маҳаллий олдини олиш учун фотодинамикани қўлланилиши чурра кайталаниш хавфини хирургик даволаш босқичида беморларда 16,6% дан 8,5% гача 2 мартаба статистик сезиларли камайиши, аввало, операциядан кейинги яранинг йиринглаши асоратларнинг камайтириш, беморларни шифохонада бўлиш муддатини 10,0±0,67 кундан 7,3±0,77 гача касалхонада бўлиш муддатини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан,

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблигини, мақсади ва вазифаларини асослайди, ўрганиш объекти ва мавзусини тавсифлайди. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қисилган қорин чурраларини жарроҳлик даволашнинг замонавий аспекти» деб номланган биринчи бобида операциядан кейинги қорин чурралари бўйича илмий маълумотларни батафсил таҳлил қилиш, умумлаштириш ва тизимлаштириш амалга оширилган. Ушбу муаммога бағишланган яқин ва узоқ хорижий мамлакатларнинг ва маҳаллий адабиётлар ўрганилиб, жарроҳлик йўли билан даволашнинг ҳозирги ҳолати ва операциядан кейинги яра асоратлари тузилиши кўриб чиқилиб, кейинги ечимларни талаб қиладиган долзарб масалалар ишлаб чиқилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг «Текширилган беморлар характеристикаси ва даволаш усуллари» деб номланган иккинчи бобида қўйилган мақсад ва вазифаларга кўра диссертация тадқиқот режаси ишлаб чиқилган, тадқиқот объекти ва замонавий тадқиқот усуллари тўплами танлаб олинган.

Диссертацияда 7-сонли шаҳар клиник шифохонаси жарроҳлик бўлими, ТошПТИ катталар клиникаси жарроҳлик бўлими, «Happy Life» ва «Vitamed Medical» клиникаларида 2010-2020 йиллар оралиғида қоринни турли локализациядаги қисилган чурраларни анъанавий усуллар билан операция бажарилган ва аллогерниопластика қўлланилган 225 нафар беморларнинг қиёсий таҳлили келтирилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвалдан кўриниб турибдики, чурра тури бўйича асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар мавжуд эмас.

Асосий гуруҳда беморлар ёши 27 ёшдан 78 ёшгача бўлиб, ўртача  $61,7 \pm 9,7$  ёшни ташкил қилиб, 61 (48%) эркаклар ва 66 (52%) аёллар ташкил қилди. 70 ёшдан ошган 35 (27,5%) нафар бемор ташкил қилди.

**Чурра тури бўйича асосий ва назорат гуруҳларнинг тақсимланиши**

Чурра тури	Асосий		Назорат		Жами
	Сон	Процент	Сон	Процент	
Чов	58	45,7%	39	39,8%	97
Киндик	29	22,8%	31	31,6%	60
Сон	5	3,9%	5	5,1%	10
ОКВЧ	35	27,6%	23	23,5%	58
Жами	127	100%	98	100%	225

Назорат гуруҳида беморлар ёши 31 ёшдан 79 ёшгача бўлиб, ўртача  $64,7 \pm 9,7$  ёшни ташкил қилиб, 45 (45,9%) эркаклар ва 53 (54,1%) аёллар ташкил қилди. 70 ёшдан ошгани 23 (23,5%) нафар бемор ташкил қилди.

Операция қилинган беморларнинг аксарияти 50 ёшдан катта бўлгани сабабли, уларда биттадан тўрттагача ёндош касалликлар аниқланилган. Сурункали ёндош касалликлар асосий гуруҳнинг 72 (79,1%) нафариди ва назорат гуруҳининг 80 (82,4%) нафар шахсида кузатилиб, уларнинг аксари қисмида юрак-қон томир ва нафас олиш тизимлари касалликлари устунлик қилган. 2-жадвалда асосий ва назорат гуруҳларида беморларнинг операция турлари бўйича тақсимланиши келтирилган.

**Асосий ва назорат гуруҳларида беморларнинг операция турлари бўйича тақсимланиши**

Чурра тури	Асосий гуруҳ (n=127)		Назорат гуруҳи (n=98)	
	ППИ	Анъанавий	ППИ	Анъанавий
Чов	11 (8,6%)	47 (37%)	7 (7,1%)	32 (32,6%)
Киндик	12 (9,4%)	17 (13,3%)	9 (9,1%)	22 (22,4%)
Сон	-	5 (3,9%)	-	5 (5,1%)
ОКВЧ	17 (13,3%)	18 (14,1%)	7 (7,1%)	16 (16,3%)
Жами	40 (31,5%)	87 (68,5%)	23 (23,5%)	75 (76,5%)

Ишнинг экспериментал қисмида жаррохлик операцияси пайтида чурра сувидан ва атрофдаги тўқималардан ажратилган микрофлоранинг бактерицид хусусиятларини аниқлаш учун дастгоҳ синовлари ўтказилган.

Тадқиқот Тошкент стоматология институти микробиология кафедраси профессори И.М.Мухамедов раҳбарлигида амалга оширилган.

Бунинг учун операция вақтида чурра экссудати стерил Пастер пипеткаси ёрдамида ёки поршендаги зич резина халқали стерил шприц билан узун игна орқали олинган. Экссудатни сақлаб қолиш ва ташиш учун стерил 0,85% NaCl эритмаси ёки стериллик назорат воситаси ишлатилган. Транспорт муҳит

мавжуд бўлганда, материал намуна олинган пайтдан бошлаб 24-48 соат ичида тадқиқот учун мос деб топилган. Қисилган чурралар билан оғриган беморларда ўтказилган клиник ва лаборатория тадқиқотлари турли хил микробларни аниқлаш имконини берди, аммо операциядан кейинги яра асоратларининг асосий сабабчилари бир неча микроблардир, улар орасида биринчи ўринни: *Staphylococcus aureus*-28%; *Staphylococcus epidermidis*-6%; *Escherichia coli* -46% эгаллади.

Шуни инобатга олган ҳолда, микробиологик тадқиқотлар учун ушбу микробларнинг музей штамлари ишлатилган. Улар Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар Илмий-текшириш институтининг одам инфекцияси микроорганизмлари миллий коллекциясидан олиниб, уларнинг паспорт маълумотлари мавжуд бўлган.

Тажрибада олинган учта микроб културасининг экинларини методик тавсияларни ҳисобга олган ҳолда,  $5 \times 10^8$  КОЕ /мл.ли концентрациядаги микроблар културасини, АҚШ лойқалик стандартларини қўллаган ҳолда тайёрланган. Ажратиб олинган бактерияларнинг антибактериал препаратларга сезувчанлиги, диск-диффузия Bauer A.W. усули билан стандарт дисклар ёрдамида амалга оширилган. Антибиотиклар билан шимдирилган филтр қоғоздан тайёрланган стандарт дисклардан фойдаланилган. Бактерияларнинг антибиотикларга сезгирлиги натижаси, одатда, 48-72 соатдан кейин олинган.

Жарроҳлик даволашнинг бевосита ва узок муддатли натижаларини солиштириш учун қисилган чурраси бўлган беморлар 2 гуруҳга бўлинди: асосий ва назорат.

Операция давомида жароҳат юзаси санацияси асосий гуруҳда 0,05% метилен кўки эритмаси шимдирилган доқа ёрдамида амалга оширилиб, кейинчалик фотодинамик санация бажариш орқали амалга оширилган бўлса, назорат гуруҳида эса жароҳатга ишлов бериш фурацилин (1:5000) эритмаси ёрдамида амалга оширилган. Операцион жароҳатни фотодинамик санацияси учун: нурланиш манбаи; фотосенсибилизатор; таъсир қилиш объекти - зарарланган операцион жароҳат кабилар керак. Нурланиш манбаи сифатида NAF МЧЖ (Ўзбекистон) томонидан ишлаб чиқарилган «Восток-010203» курилмасидан фойдаланилган.

Асосий гуруҳда операция даврида жароҳат санацияси ва яра асоратларини олдини олиш учун 0,05% метилен кўки билан фотодинамик санация ишлови ўтказилиб, бунда нурланиш вақти экспозицияси 3-5 дақиқа, нурланиш энергия зичлиги  $35-50$  Мвт/см<sup>2</sup>, шунингдек операцион жароҳат четларидан маҳаллий гемо- ва лимфостаз мақсадида, серомани олдини олиш мақсадида коллаген «Гемогубка»дан фойдаланилган. Фотодинамик терапия учун Ўзбекистонда илк ишлаб чиқарилган «Восток -010203» курилмасидан фойдаланилган.

Нazorat гуруҳида операция даврида жароҳат санацияси ва яра асоратларини олдини олиш учун фурацилин эритмаси ишлатилган.

Биз томонимиздан қорин қисилган чурраларида операциядан кейинги

яра асоратларини олдини олиш ишлаб чиқилган усули қуйидагичадир: чурра қопини инфекциянинг мумкин бўлган манбаи сифатида, беморни қабул қилиш ва операция қилиш вақтидан, чурра суви ҳолатидан қатъи назар антисептика қоидаларига риоя қилган ҳолда кесиб олиб, асосий гуруҳда: операцион жароҳатга 0,05% ли метилен кўки шимдирилган доқа 5-7 минутга қўйилиб, сўнгра илиқ физиологик эритма ёрдамида жароҳат ювилади. Яра қуритилгандан сўнг, «Восток-010203» қурилмаси ёрдамида фотодинамик санация ишлови ўтказилади, бунда нурланиш вақти экспозицияси 3-5 дақиқа, нурланиш энергия зичлиги 35-50 Мвт/см<sup>2</sup>ни ташкил қилади. Кейин назорат қилиш учун жароҳатдан экма олинади. Аллопластика «onlay» услубида бажарилади. Полипропилен имплант фиксацияси учун пролен 2/0 чокларидан фойдаланилди. Операцион жароҳат четларидан маҳаллий гемо-ва лимфостаз, шунингдек, серомани олдини олиш мақсадида коллаген «Гемогубка»дан фойдаланилган. Кўрсатма асосида Редон усулида жароҳат найланган. Назорат гуруҳида ҳам худди шундай қоидаларга амал қилинган, факат операцион майдон фурацилин (1:5000) антисептиги билан ишлов берилган, бунда операцион жароҳатга фурацилин шимдирилган доқа 5-7 дақиқага қўйилган. Чурра дарвозаси пластикасидан олдин жароҳатдан экма олинган. Операция давомида чурра экссудатининг умумий бактериял ифлосланиши ва микрофлоранинг таркибий тури ўрганилган. Ажратиб олинган бактерияларнинг антибактериял препаратларга сезувчанлиги Bauer усули бўйича диск-диффузияли стандарт дисклар ёрдамида амалга оширилган. Шу билан бирга, дори-дармонларга, турли концентрациялардаги метилен кўки сенсбилизаторига ва нурланишга сезувчанликни аниқлаш учун кўпинча чурра қопи таркибидаги суюқликда аниқланиладиган бактериялар танлаб олинган. Чурра қопи таркибидаги суюқлик микрофлорасининг сифат ва миқдорий таркибини асосий ва назорат гуруҳларида ўрганишда 7 хил микроорганизмлар ва уларнинг кенг микроб уюшмалари (ассоциациялари) аниқланган.

Диссертациянинг «*In vitro* тажрибасида бактерияларнинг фотодинамик инактивациясида метилен кўки имкониятлари баҳолаш натижалари» деб номланган учинчи бобида қисилган чурра бўлган беморларда ўтказилган клиник ва лаборатория текширувлари, операциядан кейинги яра асоратларининг асосий сабабчилари бўлиб бир неча микроблар эканлигини кўрсатиб, улар орасида устиворлари бўлиб: *Staphylococcus aureus*; *Staphylococcus epidermidis*; *Escherichia coli* эканлиги маълум бўлган.

Бу микроорганизм операциядан кейинги яранинг йиринглашида энг муҳим патоген бўлгани учун, биз *Escherichia coli* ва бошқа бактериялар ажратилган штаммларининг энг кўп ишлатиладиган антибиотикларга сезгирлик спектри ҳақида, шунингдек қиёсий жиҳатдан таклиф қилаётган операцион жароҳатни фотодинамик санациясини антибактериял хусусиятини ўрганиш тўғрисида маълумот беришни лозим деб кўрилган. Антибактериял препаратларга сезувчанликни ўрганиш учун чурра суюқлигида энг кўп аниқланган бактерия культуралари ажратилган. Иккала гуруҳдаги бактериялар

тадқиқоти шуни кўрсатдики, улар ишда ишлатиладиган цефтриаксон, цефазолин, ципрофлоксацин ва гентамицинга сезгир эканлиги аниқланган. Бироқ, аниқланган яра асоратлари башоратчилари ҳисобланмуш: *Escherichia coli*, *Staphylococcus aureus* ва *Staphylococcus epidermidis* кўпгина антибиотикларга чидамлилиги топилган.

Асосий ва назорат гуруҳларда анъанавий антибиотик даволаш мақсадида, олинган микробиологик тадқиқот натижаларини ҳисобга олган барча ҳолларда кенг спектрли антибактериал препаратлар қўлланилган.

Шу билан бирга, замонавий тиббиёт энг жиддий муаммолардан бири, берилаётган антибиотикларга резистентликнинг ўсиши, бундан ташқари, антибиотик резистентлигини пайдо бўлиши ва тарқалишига пассив муносабат хавфи аниқлигича қолган.

Шу нуқтан назардан, антибиотик резистентлигини камайтиришга, ҳамда патоген микроорганизмларнинг инактивациясига муқобил ёндашувларни қидиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Фотодинамик терапия учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «Восток-010203» мосламасидан фойдаланилиб, унда нурланиш тўлқин узунлиги  $630 \pm 20$  нм, нурланишни  $2 \text{ см}^2$  дан  $10 \text{ см}^2$  ли майдонга келтирувчи махсус мослама ёрдамида,  $25-35 \text{ Дж/см}^2$  миқдордаги (қувват зичлиги  $50-100 \text{ мВт/см}^2$ ) ва бир майдонга 5-10 дақиқа давомида ўтказилган. Мослама нурланиш спектри максимум  $600-660$  нм тўлқин узунлиги оралигида бўлиб, қайсики метилен кўки ютилиш спектрига мос келади. Тадқиқотларимиз метилен кўки фотосенсибилизаторининг хатто кичик миқдорда бактерияларда мавжудлиги, метилен кўки ютилиш спектрига мос ёруғлик энергияси таъсири оқибатида фотохимёвий реакциянинг фаоллашувига олиб келишини кўрсатган. Бироқ, ҳосил бўлаётган агрессив элементлар (кислороднинг фаол шакли ва эркин радикаллар) концентрацияси старлича бўлмаслиги, кам антибактериал таъсир кўрсатиш мумкинлигига, узоқ муддатли нурланиш эса фотосенсибилизаторни ёниб кетишига (фотобличинг) сабабчи бўлади. Шунинг учун, бактериялардаги фотосенсибилизаторнинг миқдори старли концентрацияга эришилгандагина антимикробли фотодинамик реакция таъсирига эришилади.

Фотодинамик терапия антибактериал параметрларини, жумладан  $630 \pm 20$  нм.ли оптик диапазондаги нурланишни, метилен кўки фотосенсибилизаторлик концентрацияларини оптимал ишлаб чиқишига қаратилган «in vitro» шароитидаги тадқиқотлар Тошкент стоматология институти микробиология кафедраси профессори И.М.Мухамедов раҳбарлигида амалга оширилган.

Бизнинг стэнд тадқиқотларимиз фотодинамик терапия учун метилен кўкининг оптимал концентрацияси  $0,05\%$  эритмаси, оптимал таъсир килиш вақти 5-10 дақиқа, нурланиш қуввати зичлиги  $50-100 \text{ мВт/см}^2$ , энергия зичлиги эса  $25-35 \text{ Дж/см}^2$  ни кўрсатди. Метилен кўкининг  $0,01$  ва  $0,05\%$  концентрацияларини дисклар кўринишида қўллаш ва қизил нур билан 5, 10 дақиқа мобайнида нурлатилиши оқибатида, бутунлай ижобий антибактериал

таъсирга эришилиши ва  $22,0 \pm 0,5$  мм.ли микроб ўсишини кечиктириш зонаси бўлиши билан кузатилди (3-жадвалга қаранг). Қайд этиш лозимки, ушбу комплекснинг антибактериал таъсири грам-манфий микробларга қараганда, грам-мусбат микробларда нисбатан кучлироқ намоён бўлди. «In vitro» олинган натижалар кисилган қорин чурралар ярали асоратларини олдини олишда фотодинамик терапия қўллаш истикболлари кўрсатилган.

### 3-жадвал

**Фотодинамик терапия таъсирида метилен кўкининг микроблар сезгирлигига таъсири хусусиятлари**

№	Микроблар тури	Нурланиш давомийлиги (мин)	Метилен кўки концентрацияси (%) (n=10)				Физ. эритма (К)
			0.001	0.005	0.01	0.05	
1	S.aureus	1	0	0	$3,0 \pm 0,1$	$4,0 \pm 0,1$	2
		3	0	0	$4,0 \pm 0,2$	$5,0 \pm 0,1$	1
		5	0	0	$12,0 \pm 0,3$	$18,0 \pm 0,4^*$	0
		10	0	0	$15,0 \pm 0,2$	$22,0 \pm 0,5^*$	1
2	S.epidermidis	1	0	0	$2,0 \pm 0,1$	$4,0 \pm 0,1$	2
		3	0	0	$5,0 \pm 0,1$	$6,0 \pm 0,1$	1
		5	0	0	$17,0 \pm 0,5$	$19,0 \pm 0,5^*$	1
		10	0	0	$16,0 \pm 0,3$	$20,0 \pm 0,5^*$	1
3	E.coli	1	0	0	$2,0 \pm 0,1$	$2,0 \pm 0,1$	2
		3	0	0	$3,0 \pm 0,1$	$4,0 \pm 0,1$	1
		5	0	0	$10,0 \pm 0,2$	$11,0 \pm 0,2^*$	1
		10	0	0	$11,0 \pm 0,2$	$13,0 \pm 0,2$	1

Эслатма: микроблар ўсиш майдони чекланиши мм бирликда келтирилган ( $M \pm m$ ).

Тадқиқотлар натижалари энг самарали дорилардан цефтриаксон, ципрофлоксацин, гентамицинни ва уларга сезгирлик 70-85% ни ташкил этиши кўрсатилган. Назорат гуруҳида операцион майдон ишловида фурацилин (1:5000) эритмасидан фойдаланилган. Дастгоҳ синовларида, фурацилин эритмасининг бактерицид хусусиятлари фақат Escherichia coli, Staphylococcus aureus ва Staphylococcus epidermidisларга нисбатан таалукчилиги маълум бўлган. Операцион майдонни 0,05% метилен кўки эритмаси билан ишлов берилиб, Фотодинамик терапия ёрдамида,  $100 \text{ мВт/см}^2$  нурланиш қуввати зичлигида, 25-35 энергия зичлиги  $\text{Дж/см}^2$ , 5 дақиқа таъсир қилиш экспозицияси натижасида 95% гача



микроорганизмларни йўқотилишига эришилган. Яра асоратлари ва серома пайдо бўлишини олдини олиш мақсадида биз илк бор Ўзбекистонда ЎзР ФА кимё ва физика полимерлари илмий - текшириш маркази ва ДТ В.Вохидов номли Хирургия ихтисослаштирилган илмий марказ томонидан ишлаб чиқарилган маҳаллий гемостатик коллаген «Гемогубка» (ГемоG) дан фойдаланилган.

Операциядан кейин, тадқиқот учун материал сифатида асосий ва назорат гуруҳларида дренаж найидан чиқаётган маҳсулот ишлатилган. Дренаж найидан чиқаётган маҳсулот текширувга стерил шароитда операциядан кейинги 1 кунда олинган.

Асосий гуруҳда 0,05% метилен кўки ва ФДТ натижасида чурра эксудатидаги микроорганизмларнинг кўпчилиги (95%) инактивациялашганлиги, назорат гуруҳи 47% да эса микроорганизмлар борлиги аниқланган. Метилен кўки билан фотодинамик терапиянинг антимикроблик таъсири фурацилинга нисбатан яққол намоён бўлган. Булар операциядан кейинги даврда кечишини ижобийлиги, оғрик синдромининг яққоллиги, шифохонада қолиш давомийлиги, асоратлар частотаси ва тури орқали баҳоланган.

Статистик маълумотлар таҳлили Microsoft Office Excel ёрдамида амалга оширилган. Ишонч кўрсаткичларини ҳисоблаш учун Пирсон  $\chi^2$  мезонидан, Стьюдента t-мезонидан фойдаланилди. Хато эҳтимолидаги фарқлар  $p < 0,05$  статистик жиҳатдан аҳамиятли деб топилган.

Диссертациянинг **тўртинчи боби** учта кичик боблардан иборат. Ушбу бобнинг **биринчи кичик боби** чурра қисилиши мавжуд беморларда яра асоратларини олдини олишда фотодинамик терапиянинг самарадорлигини микробиологик асослашга, даволаниб кетган беморларнинг яқин ва узоқ муддатдаги натижалар таҳлилига бағишланган.

Микробиологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, монокултураларнинг ўсиш даражаси мос равишда 52-67,54% (1 сонли намунада – чурра қоши чети), 23 - 42,83% (2 сонли намунада – чурра қоши) ва 46 - 59,74% (3 сонли намунада – жароҳат) ни, ассоциатив (икки ва ундан кўп) микробларнинг ўсиш даражаси эса 1, 2, 3 сонли намуналарда, мос равишда 25 (32,46%), 44 (57,14%) ва 31 (40,26%) ни ташкил қилган. 2-сонли намуна текширилганда, ярадаги ассоциатив микроблар частотасини 43,23% ( $p < 0,01$ ) га кўпайиши, метилен кўки билан фотодинамик терапия ўтказилгандан кейин эса ассоциатив микроблар (икки ва ундан кўп) частотасини 1,48 гача пасайиши қайд этилган, қайсики статистик жиҳатдан аҳамиятлидир.

Олинган натижалар қисилган қорин чурралари герниотомиясида ярадаги микроблар структураларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари асосида метилен кўки ва фотодинамик терапия самарадорлигини ишончли кўрсатган. Бунда яранинг бактериал инфлосланиш даражаси қисилган аъзога ва қисилган қисм ҳаётийлигига тўғридан-тўғри боғлиқ. Чарви некротик қисмини резекцияси билан кечаётган қорин бўшлиғи чурраси қисилишини чурра кесиш амалиётида метилен кўки ва фотодинамик терапия билан

интраоперацион санацияси, 1 грамм тўқима бирлигидаги микроблар сонининг  $4,3 \cdot 10^5 \pm 0,4 \cdot 10^5$  дан  $8,8 \cdot 10^4 \pm 0,41 \cdot 10^4$  гача камайишига сабаб бўлган.

Ингичка ичак бир қисми 2 соатгача бўлган даврда қисилиши натижасида бактериал ифлосланиш қуйидагича бўлди: 1, 2, 3 - сонли намуналарда -  $3,6 \cdot 10^3 \pm 0,4 \cdot 10^3$ ;  $4,5 \cdot 10^3 \pm 0,4 \cdot 10^3$ ; ва  $3,8 \cdot 10^3 \pm 0,3 \cdot 10^3$  г микроблар 1 г. биоптат тўқимада, мос равишда ( $t_1 = 0,32$ ,  $p > 0,05$ ;  $t_2 = 0,58$ ,  $p > 0,05$ ).

Ингичка ичак бир қисми 2 соатдан кўп бўлган даврда қисилиш натижасида бактериал ифлосланиш  $10^4$  г микроблар биоптат тўқимадан кўплигини ташкил қилди, қайсики жароҳат ифлосланишининг критик чегарасидан ошиб яллиғланиш асоратлари ривожланишига ёрдам беради.

Ингичка ичак бир қисми 2- 4 соатлар оралигида бўлган даврда қисилиш натижасида бактериал ифлосланиш қуйидагича бўлди: 1,2,3 - сонли намуналарда -  $4,13 \cdot 10^4 \pm 0,45 \cdot 10^4$ ;  $6,22 \cdot 10^4 \pm 0,63 \cdot 10^4$ ; ва  $4,3 \cdot 10^4 \pm 0,49 \cdot 10^4$  г микроблар 1 г биоптат тўқимада, мос равишда ( $t_1 = 1,59$ ,  $p > 0,05$ ;  $t_2 = 1,21$ ,  $p > 0,05$ ).

Ингичка ичак бир қисми 4 соатдан кўп бўлган даврда қисилиш натижасида бактериал ифлосланиш  $10^5$  г микроблар биоптат тўқимадан кўплигини, ингичка ичак бир қисми 5-6 соатдан кўп бўлган даврда қисилиш натижасида эса бактериал ифлосланиш қуйидагича бўлди: 1, 2, 3 - сонли намуналарда -  $1,31 \cdot 10^5 \pm 0,3 \cdot 10^5$ ;  $2,4 \cdot 10^5 \pm 0,6 \cdot 10^5$ ; ва  $8,07 \cdot 10^4 \pm 0,3 \cdot 10^4$  г микроблар 1 г биоптат тўқимада, мос равишда ( $t_1 = 1,59$ ,  $p > 0,05$ ;  $t_2 = 1,21$ ,  $p > 0,05$ ).

Диссертациянинг **иккинчи кичик бобида** турли локализацияли қисилган корин чурралари мавжуд бўлган 225 нафар беморни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили, хусусан, анъанавий усуллар ва аллогерниопластика ёрдамида амалга оширилганлиги келтирилган.

Жарроҳлик даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини солиштириш учун қисилган чурраси мавжуд бўлган беморлар 2 гуруҳга бўлинган: асосий ва назорат.

Асосий гуруҳда операция даврида жароҳат санацияси ва яра асоратларини олдини олиш учун 0,05% метилен кўки билан фотодинамик санация ишлови ўтказилиб, бунда нурланиш вақти экспозицияси 3-5 дақиқани, нурланиш энергия зичлиги  $35-50$  Мвт/см<sup>2</sup>, шунингдек операцион жароҳат четларидан маҳаллий гемо- ва лимфостаз мақсадида, серомани олдини олиш мақсадида коллаген «Гемогубка»дан фойдаланилган.

Назорат гуруҳида операция даврида жароҳат санацияси ва яра асоратларини олдини олиш учун фурацилин эритмаси ишлатилган. Қисилган чурраси бўлган беморларни даволаш натижаларини баҳолаш мақсадида гуруҳларда эрта операциядан кейинги асоратларни қиёсий таҳлил қилдик.

Тадқиқотларимиз, қисилган чурра ташхислашининг нисбатан оддийлигига қарамай, ўрганилган 225 нафар беморни шифохонага мурожаати ва жарроҳлик аралашуви ўз вақтида бўлмаганлигини кўрсатган. Кузатишларимизда 31 ( $13,8 \pm 2,3\%$ ) нафар бемор, ( $P < 0,001$ ) касаллик

бошланганидан 12 соатдан кейин шифохонага ётқизилган бўлиб, дастлабки 2 соат ичида фақат 72 ( $32,0 \pm 3,1\%$ ) нафар бемор, ( $P < 0,05$ ), жъни ҳар учдан бири операция қилинган.

Касаллик бошланганидан 12 соатдан кейин касалхонага ётқизилган беморларнинг умумий сонидан 8 ( $3,6 \pm 1,2\%$ ) нафар бемор уйда ўз-ўзини даволаган. 9 нафар беморда ( $4,0 \pm 1,3\%$ ), шифохонадан олдинги босқичда диагностик хатолар, ёки улар бошқа шошилиш клиникаларга бориб, шифохонага ётишдан бош тортган. 72 нафар бемордан 3 ( $4,2 \pm 2,4\%$ ) нафарда қабул бўлимида хатоларга йўл қўйилган. 13 нафар беморларда ( $5,8 \pm 1,6\%$ ), касалхонага ётқизилган пайтдан бошлаб 2 соатдан кейин операция қилинишига, беморнинг оғир ҳолати бўлиб, ва бу ҳолат 2-4 соат давомида операциядан олдин тайёргарлик ўтказилишига сабаб бўлган. 9 нафар беморда ( $4,0 \pm 1,3\%$ ) ўткир ичак тутилишини консерватив чоралар (сохта қисилиш) ёрдамида бартараф этишга хато уринишлар бўлган. 2 нафар беморларда ( $0,9 \pm 0,63\%$ ) операциянинг кечикиши операция хонасининг бандлиги билан боғлиқ бўлган. 4 нафар беморларда ( $1,8 \pm 0,88\%$ ) касалхонада чуррани ўз-ўзидан тўғриланиб кириб кетиши оқибатида, қисилиш такроран қайталанган ва 7 ( $3,1 \pm 1,2\%$ ) нафар беморда операция кечиктирилишига беморнинг шошилиш операцияга розилик бермагани бўлган. Яра асоратлари частотасини касалликнинг бошланиш вақтига қараб таҳлил қилинган. Бу вақтнинг 12 соатдан ортиши билан, асоратлар юзага келишининг чўққиси кузатилди, ваҳоланки асоратлар сони 3 барабарига ошиши, кейин эса бу кўрсаткич нисбий барқарорлашиб 26,7% ни ташкил этган.

Шу муносабат билан жарроҳлик ёрдами стандартларига мувофиқ, беморлар қабул қилинган пайтдан бошлаб 2 соат ичида операция қилинган.

Шу билан бирга, беморлар оғир ҳолатда бўлган ҳолларда, улар марказий томирларнинг катетеризациялаш билан қисқа муддатли операция олд тайёргарлиги учун реанимация бўлимига ётқизилган. Умуман олганда, барча гуруҳлардаги беморларнинг операциядан кейинги даври аксариятида силлиқ ўтган.

Гигант қорин чурраси бўлган барча беморларда ўз тўқималари ва аллопластикадан фойдаланган ҳолда жароҳатни узок муддатли дренажлаш талаб қилинган.

Асосий гуруҳдаги 11 нафар беморга, назорат гуруҳидаги 7 нафар беморга Лихтенштейн бўйича аллопластика бажарилган, шунга кўра киндик чуррали 12 нафар беморга ва 9 нафар беморга «onlay» усулида аллопластика бажарилган. Сон чурраларида Бассини усулида анъанавий чурра кесиш амалиёти ўтказилган.

Асосий гуруҳдаги вентрал чуррали 17 нафар беморларга, назорат гуруҳидаги 7 нафар беморга «onlay» усулида аллопластика бажарилган. Асосий гуруҳдаги 40 (31,5%) нафар беморга, назорат гуруҳидаги 23 (23,5%) нафар беморга чурра дарвозаси полипропилен имплант ёрдамида «onlay» усулида аллопластика бажарилган (2-жадвалга қаранг).

